

**ТРАКТОР ВА АВТОМОБИЛЛАР ФАНИДАН “БЕНЗИНЛИ ДВИГАТЕЛЛАР
ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Худайқулов Р.Ф.

“ТИҚХММИ” МТУ “Тракторлар ва автомобиллар” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD.

xudayqulov2017@mail.ru

Бегмаматов Ж.Х.

“ТИҚХММИ” МТУ ҚХМ факултети 3-курс талабаси.

begmamatovjasurbek4@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18314959>

Аннотация. Мақалода тавсия этилган педагогик технологиялар “Трактор ва автомобиллар” фанидан талабаларни назарий билим, амалий кўникмалар ва юқори тоифали малакага эга бўлишларига ёрдам беради. Бунда талабанинг фаол иштироки таъминланади, чунки дарс давомида талабалар билан ўзаро “мунозара” олиб борилиши, “муаммолар” ни биргалашиб ҳал этиш ҳолатларини билиши талаба ҳар томонлама ўзини синаб кўриш имкониятига эга бўлади.

Калит сўзлар: кластер, SWOT-таҳлил, сценарий, дидактик, дивергент, метод, мунозара.

Замонавий шароитда таълим амалиётида амалий-инновацион характерга эга ўйинлардан самарали фойдаланилмоқда. Таълим амалиётида қўлланиладиган амалий ўйинлар ўз-ўзидан дидактик хусусият касб этади, шу сабабли улар кўп ҳолатларда “дидактик ўйинлар” деб юритилади.

Ўйиннинг моҳияти ва тузилиши маълум кўникма, малака, қобилият ва сифатларнинг ҳар бир иштирокчида бутун ўйин давомида шаклланишини таъминлайди.

Таълим жараёнда ўйин технологияларидан фойдаланишда ўқитувчи педагогик вазифаларини сценарийда аниқ ифода қилиш зарур.

Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қилади. Таълим жараёни иштирокчилари (м: таълим олувчилар, ота-оналар, педагогик жамоа аъзолари, таълим муассасаларининг раҳбарлари, жамоатчилик ташкилотларининг вакили ва б.) сифатида турли ролларни бажариш иштирокчиларга педагогик фаолият мазмуни билан яқиндан танишиш имкониятини яратиш асосида маълум фаолиятни самарали ташкил этишга назарий, амалий ва руҳий тайёргарликка эришиш нуқтаи назаридан ёрдам беради.

Ўқув жараёнида ўйин технологияларининг ўрни, роли, шунингдек, ўйин элементлари ҳамда таълимнинг ўзаро уйғунлиги кўп жиҳатдан ўқитувчи томонидан педагогик ўйинлар моҳияти, функцияси ва турларининг қанчалик тушунилиши билан белгиланади. Аксарият педагогик ўйинлар ўзида қуйидаги белгиларни намоён қилади.

Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади.

Таълим муассасаларида кўп ҳолатларда ролли ва касбий характерга эга ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланилади.

Муҳими педагогик мақсадларда қўлланиладиган ўйинли технологияларининг асосини тингловчиларни *фаоллик ва тезкорликка асосланган фаолияти* ташкил этади.

Биз талабаларни ўқитишда Трактор ва автомобиллар фанидан “Бензинли двигателлар таъминлаш тизими” мавзусини ўқитишда педагогик технологияларга асосланиб, талабаларга махсус машғулотлар ташкил қилдик ва натижалар таҳлил қилинади.

Бу машғулотларда талабаларда дарсга нисбатан фаоллик ортганлиги аниқланди.

Уларга мавзуларни ўтиш жараёнида бир нечта педагогик технологиялар қўлланилди ва ушбу педагогик технологиялардан намуналар кўриб чиқамиз.


Намуна:



Кластер методи

Талабалар кластерни давом эттиришда бир бирларини таҳлил этиб, ёзилмаган маълумотларни изланиб муҳокама юритиб топишга ҳаракат қилдилар.

Тадқиқотда жами 24 та талаба иштирок этди. Булардан 11 таси яъни 48 % ижодий фикрловчилар, ташкилотчилар 4 та яъни 16%, дивергент фикрловчилар 6 та яъни 24%, фаоллиги унча кузатилмаган ўқувчилар 3та яъни 12 % ни ташкил этди.



“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

Намуна: Двигателларда фойдаланилган электрон ёнилғи узатиш тизимини SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг кучли томонлари	Цилиндрда ёниш жараёнини ва тежамкорликни яхшиланиши ...
Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	Двигател конструкциясини мураккаблашиши ...

Двигателларда электрон ёнилғи узатиш тизимидан фойдаланишнинг имкониятлари	Электроник тизим турли ечимлар учун имкониятни кенгайтиради ...
Тўсиқлар (ташқи)	Бундай тизим билан техникадан фойдаланувчиларнинг таниш эмаслиги .

Хулоса: Юқоридаги педагогик техналогияларни қўллаш орқали Мамлакатимиз шароитига мос келадиган замонавий илғор ресурс тежамкор технологиялар ва техник воситаларни талабаларга ўргатиш ҳамда таълим бериш жараёнида уларни янада такомиллаштириш бўйича кўникмалар ҳосил қилиш ва бу борада илмий-тадқиқот ишларини мунтазам равишда давом эттириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли [Фармони](#).
2. Г.Н.Ахунова, Л.В. Голиш, Д.М. Файзуллаева. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Тошкент – Ўзбекистон 2009. – 306 б.
3. Камилов А.И. ва бошқалар. Трактор ва автомобиллар, 1 қисм. Т. Чўлпон, 2014 й.
4. Файзуллаев Э.З. Транспорт воситаларининг тузилиши ва назарияси, 1-қисм. Т. Зарқалам, 2005 й